

Пуштни тушириш мумкинми?

18:48 / 24.04.2016 3722

Бир биродаримизнинг аёли ҳозирча туғишни истамай, пуштни тушириш (аборт) учун ҳаракат қиляпти. Бу борада шариатнинг ҳукми қандай? Агар туғиш она соғлигига хавф солса, пушт тушириш жоизми?

ЖАВОБ: Бу масалада жуда кўп фикҳий китоблар ҳам, фуқаҳоларнинг бу ҳақдаги сўзлари ҳам бор. Уларнинг хулосаларидан энг кучли ва эҳтиётлиларини қуйидаги тартибда баён этиш мақсадга мувофиқ:

Биринчидан, фуқаҳоларнинг ҳаммалари пуштни жон киргизилгандан сўнг заруратсиз тушириш (олдириш) ҳаром, деб айтишган. Она ҳаёти хатарда қолиши каби ҳолат бўлганида пуштни тушириш мумкин. Ҳадиси шарифларда кўрсатилганидек, пушт яратилишининг аввалги тўрт ойидан сўнгги ўн кун ичида унга жон киргизилади.

Иккинчидан, жуссасидан баъзи аъзолар: соч, бармоқ, оёқ кабилар кўринган ва билинган пуштни тушириш жинойтдир. Унинг тушишига сабабчи бўлган одамга, она ё бошқа бўлса-да, "ғурра" (пушт товони) бериш вожиб бўлади. Уламо ва фуқаҳоларнинг бу борадаги фикрлари бундай: бу босқичдаги пуштда жон бўлмайди, шундай бўлса-да, уни тушириш жинойтдир, заруратсиз тушириш ҳаромдир.

Учинчидан, баъзи уламолар пуштни жуссаси кўринмасдан ва шаклланмасдан олдин тушириш мумкин, деганлар. Пушт яратилишининг аввалги қирқ кунда шу босқичда бўлади, демак, ҳануз сув (нутфа) ҳолида туради, нутфани ташлаш, хотиндан суғуриб, уруғни чиқариш каби жоиз, дейдилар. Аммо жуда кўп фуқаҳолар бу сўзни эътиборсиз ҳисоблаб, рад этганлар ва бундай қилган ё унга сабабчи бўлган одам гуноҳкор бўлади, деганлар. Қуйида машхур икки фақиҳ Имом Ғаззолий ва Қозихоннинг "Иҳё" ва "Фатово"даги сўзларини келтирамиз. Имом Ғаззолий "суғуриб тўкиш" билан "тушириш" орасидаги фарқни ва "тушириш"нинг ҳукми "суғуриб тўкиш" ҳукмидек эмаслигини баён этиб, бундай тушунтирадилар: "Тушириш ҳосил бўлган пуштга жинойтдир. Пуштнинг босқичлари бор. Пуштнинг биринчи босқичи уруғ бачадонга тушиб, аёл тухуми билан қўшилиши ва жон қабул этишга тайёр бўлишидир. Бу ҳолни бузиш жинойтдир. Сув қуюқлашиб қонга айланган бўлса, жинойт оғирлашади. Агар унга жон киритилган ва жусса етилган бўлса, жинойт янада

оғирлашади. Пушт тўла жонли ва жуссали бўлиб, ажралганида тушириш жиноятнинг энг оғиридир".

Қозихон бу босқичда пуштни тушириш мумкин, деганларнинг сўзларини келтирганларидан сўнг дейдилар: "Мен тушириш мумкин, демайман. Зеро, ҳаж ёки умранинг эҳромидаги киши ов қилинадиган бирор нарсанинг тухумини синдирса, тухум у нарсанинг асли бўлганидан унинг қийматини тўлаши керак.

Пуштини туширган онага бўладиган гуноҳ ҳам ундан кам эмас. Аммо бу она гуноҳи қотиллик гуноҳи даражасига етмайди. Бу узрсиз туширганлар ҳақидадир".

"Тушириш" ҳақидаги сўзларни шундай хулосалаш мумкин: пуштни шакланмасидан олдин тушириш ҳаромга яқин, макруҳдир. Шакланган пуштни тушириш ҳаромдир. Жон киритилган пуштни тушириш жуда оғир ҳаромдир. Бу ҳукмлар зарурат бўлмаган ҳолдаги туширишга тегишлидир (Аллоҳ билувчидир).